



## THE PHENOMENON OF "HUMAN TRAFFICKING" IN UZBEKISTAN AND THE STAGES OF FORMATION OF THE SYSTEM OF COMBATING IT (THE SOCIAL IMPORTANCE OF THE ANTI-TRAFFICKING SYSTEM)

**Ziyoda F. Farkhodova**

*doctoral student*

*Family and Gender Scientific Research Institute  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Human trafficking, Uzbekistan

**Abstract:** This article describes the phenomenon of human trafficking and the stages of formation of the system to combat it.

**Received:** 09.08.24

**Accepted:** 11.08.24

**Published:** 13.08.24

## ЎЗБЕКИСТОНДА “ОДАМ САВДОСИ” ҲОДИСАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙИЙ АҲАМИЯТИ)

**Зиёда Ф. Фарходова**

*докторант*

*Оила ва гендер илмий тадқиқот институти  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Одам савдоси, Ўзбекитон

**Аннотация:** ушбу мақолада одам савдоси ҳодисаси, унга қарши курашиш тизимининг шаклланиш босқичлари ёритилган.

## ФЕНОМЕН «ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ» В УЗБЕКИСТАНЕ И ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ СИСТЕМЫ БОРЬБЫ С НИМ (СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ СИСТЕМЫ БОРЬБЫ С ТОРГОВЛЕЙ ЛЮДЬМИ)

**Зиёда Ф. Фарходова**

*докторант*

*Научно-исследовательский институт семьи и гендер  
Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Торговля людьми,  
Узбекистан

**Аннотация:** В данной статье  
описывается феномен торговли людьми и  
этапы становления системы борьбы с ней.

### КИРИШ

“Одам савдоси” ҳодисаси қадимий тушунча бўлсада, собиқ советлар иттифоқида ва кейинчалик иттифоқдан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасида ҳам алоҳида жиноят тури сифатида ўрганилмаган. Гарчи СССРнинг бутун умри давомида у ёки бу кўринишда юз бериб турган бўлсада, мафкуравий нуқтаи назардан бу инкор этилар эди.

1991 йил мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикасида биринчи Жиноят кодекси 1995 йилда қабул қилинган. Бу кодексда “одам савдоси” жинояти назарда тутилмаган. Фақат 135-моддада “одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” ҳақида сўз боради. Бироқ, бу дегани Ўзбекистонда одам савдоси ҳодисаси кузатилмаган дегани эмас. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетиши, аҳоли ҳуқуқий маданиятининг пастлиги каби омиллар Ўзбекистон аҳолисини халқаро одам савдоси айланмасида етказиб берувчи мамлакатга айланишига олиб келди. Бунга айниқса ҳуқуқий маданияти паст, ҳимояланмаган, иқтисодий ҳолати оғир бўлган кўплаб фуқароларнинг хорижий мамлакатларга иш излаб чиқиб кетишининг мунтазам кўпайиб бориши ҳам, ҳалокатли таъсир қила бошлади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

XXI аср бошларига келиб, Ўзбекистонда ҳам муаммони давлат ва ҳукумат даражасида ҳис қилиш бошланди. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгариш киритилиб, юқорида айтилган 135-модда билан “одам савдоси” тушунчасига биринчи марта расмий таъриф берилди. Унга кўра, Ўзбекистонда “одам савдоси” деганда “одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш” маъносида тушунилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни қабул қилинган бўлиб, унда “одам савдосига қарши курашиш”, “одам савдоси”, “одам савдоси билан шуғулланувчи шахс” каби мухим тушунчаларга алоҳида таъриф берилган. Ушбу Конуннинг 3-моддасида келтирилишича, “одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манбаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки

қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиши ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади”.

Ушбу қонунга кўра, Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва жабрланган фуқаролар билан ишлашга масъул бўлган муассасалар белгилаб берилган, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш Идоралараро комиссия зиммасига юкланган. Миллий комиссия шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда атшкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолиятини ҳам тартибга солиб туриши лозим эди.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Конунига мувофиқ 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 911-сонли Қарори қабул қилинган. Қарор билан “2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси”, “Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси таркиби” ҳамда “Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом”лар ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрда қабул қилган 240-сон «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда одам савдоси жиноятини олдини олиш, унга қарши курашиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган тизимни якунига етказди. Ушбу қарор билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази” ташкил қилинган бўлиб, унинг олдига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган эди:

одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдоси жабрдийдаларига кечикириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш;

одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш;

одам савдоси жабрдийдаларига, уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг хукуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш; одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

2008 йил давомида Ўзбекистонда яратилган одам савдоси жиноятларини камайтириш, олдини олиш, жабрланганларни реабилитация қилиш тизими 1-расмда ифодаланган мукаммал тизим кўринишига эга бўлди.

### 1-расм

Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва жабрланганларни реабилитация қилиш тизими



2008 йилдан кейинги 10 йил давомида Марказда 3998 нафар фуқаролар реабилитациядан ўтиб, ижтимоий ҳаётга мослаштирилганлар.

2021 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конуни](#) асосида «Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган.

Унга кўра одам савдосидан жабрланган ёки жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотларнинг вазифалари, идентификация қилиш, қайта йўналтириш ҳамда шахсий маълумотлар ноошкоралигини таъминлаш тартибини назарда тутувчи Одам савдосидан

жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби белгиланган.

Шунингдек, қарорнинг 2-иловасига мувофиқ одам савдосидан жабрланган, шу жумладан, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини, мазкур шахслар билан якка тартибда ишлаш режасини ҳамда уларнинг мослашувига ёрдам кўрсатиш, бундан ташқари, одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш тартибини назарда тутувчи Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланган.

Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти давлат органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бунда уларнинг тили, дини, миллати ва фуқаролигидан қатий назар барча шахсларга ғамхўрлик кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари дастлабки идентификацияни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари ҳисобланади. Шунингдек ушбу ташкилотлар

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва хукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ва кўриб чиқади;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида улар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қиласи, идентификация қилишни ташкил этади ва қайта йўналтиради;

Якуний идентификация Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссия томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савdosидан жабрланган, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ўкув семинар-тренинглар ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси эса ўз ваколатлари доирасида:

одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти билан шуғулланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қиласи

одам савdosидан жабрланган, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг Қонунда кўрсатилган хуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга каратилган ҳаракатлар ижросини назорат қиласи;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда иштирок этиш жараёнида дастлабки ва якуний идентификация қилиш ва қайта йўналтириш ваколатли давлат органлар томонидан амалга оширилишида иштирок этиш ва кўмаклашиш; бундай шахслар ҳақида маълумот келиб тушганда зудлик билан ваколатли давлат органларини бу ҳақда хабардор қилиш ва дастлабки, якуний идентификация қилиш ҳамда қайта йўналтиришда иштирок этиш;

идентификация ва қайта йўналтириш босқичларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

одам савdosи ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш хуқуqlariga эга.

Дастлабки идентификация қилиш жараёни ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг маҳсус жиҳозланган хонасида, ҳар бир шахс билан алоҳида, хавфсиз муҳитда, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилгандан сўнг шахснинг розилиги билан амалга оширилади.

Шунингдек одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс:

тиббий ёрдам олиш;

психологик ёрдам олиш;

хуқуқий маслаҳат олиш;

вақтинча яшаш жойидан (бошпанадан) фойдаланиш;

яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатиш;

таржимон хизматларидан текин фойдаланиш хуқуқига эга.

Суҳбат якунида мутахассис одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсдан олинган маълумотларни таҳлил қиласи ва унга Қонунда кўрсатилган ёрдамлар кўрсатилиши учун ариза олинади.

Одам савdosидан жабрланган деб тан олинган шахс ижтимоий реабилитация ва мослашув хуқуқига эга.

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтириш уларга зарур бўлган ёрдамни, химояни ва реабилитацияни таъминлаш учун амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларда тез тиббий ёрдам, психологик ёрдам, хуқуқий маслаҳат, ижтимоий ёрдам, таржимон хизматларидан текин фойдаланиш хуқуки, вақтинча яшаш жойи билан таъминлаш ҳамда яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига ёрдам берилади.

Одам савdosидан жабрланганлар билан шуғулланиш бўйича мутахассис вояга етмаган шахсларни одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар сифатида идентификация қилганда, уларнинг «Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган хуқуқлари амалга оширилиши учун Болалар масалалари бўйича комиссияни хабардор қиласи.

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда куйидагилар таъминланади:

вояга етмаган шахсларнинг уй-жойи хавфсизлиги, дахлсизлиги, хат-хабарлари сир тутилиши;

эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликтан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, хукуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилиниши;

таржимон, педагог ёки психолог, ижтимоий ходим шу билан бирга қонуний вакилнинг иштироки.

вояга етмаган шахслар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этиши

Хориждаги одам савдосидан жабрланган ва одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар билан сухбат масофавий видео-алоқа каналлари орқали ўtkазилади ва хукумат ҳомийлигига Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келинади.

Дастлабки идентификацияни амалга оширган мутахассис бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда вояга етмаган шахслар оиласини қидириш ёки уларга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.

Сухбат вояга етмаган шахсларнинг жинси, ёши ва бошқа ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда бир хил жинсдаги мутахассис томонидан ўтказилади.

Вояга етмаган шахслар сухбатда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этишини рад этган тақдирда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси инспектори хамда психологнинг иштироки таъминланади.

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар тўғрисида шахсий маълумотлар махфий ҳисобланади ва ушбу маълумотлар ноошкоралигини таъминловчи субъектлар қўйидагилар ҳисобланади:

одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, қайта йўналтириш ва уларга ижтимоий ёрдам кўrsatiшда одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва сухбат жараёнида иштирок этувчи ваколатли давлат органлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари;

халқаро ташкилотлар;

ташкилий-хуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар ихтисослаштирилган муассасалар.

Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш мутахассис сухбат пайтидан бошлаб, одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақидаги шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

Одам савdosидан жабрланган, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг шахсий маълумотларини уларнинг хуқуқлари ва эркинликларини етарли даражада ҳимоя қилишни таъминламайдиган мамлакатларга ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

шахсий маълумотларни узатиш учун одам савdosидан жабрланган шахсларнинг розилиги;

агар одам савdosидан жабрланган шахсларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун маълумотларни узатиш зарур бўлса;

оммавий фойдаланилаётган маълумотлар ичida шахсий маълумотлар мавжуд бўлса.

Идентификация жараёнида шахс ўзига нисбатан қабул қилинган қарорлардан қониқмаса, Одам савdosига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия ва Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия раисларига мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Одам савdosидан жабрланган, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга нисбатан хавфни баҳолаш, шунингдек, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхати масъул котиб томонидан ишлаб чиқилиб, комиссия қарори билан тасдиқланади.

Агар одам савdosидан жабрланган шахслар вояга етмаган фарзандлари билан биргаликда аниқланса, улар фарзандлари билан бирга вақтинча бошпана билан таъминланади, шу билан бирга болалар ижтимоий реабилитация ва мослашиш бўйича хизматларни ҳам олишади.

Одам савdosидан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш чоралари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади ёки муддатидан олдин тутатилади:

ижтимоий реабилитация мақсадларига эришилганда;

одам савdosидан жабрланган шахслар ижтимоий реабилитациядан бош тортса;

одам савdosи билан боғлиқ ҳолатлар содир этилмаганлиги ҳақида асослантирилган қарор қабул қилинса.

Ҳимояни таъминловчи субъектларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савdosидан жабрланган шахслар учун хавфни баҳолаш ва хавфсизлик режасини тасдиқлаш;

одам савdosидан жабрланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш;

шахсий режанинг ҳимояни таъминловчи субъектларнинг ваколатига тааллуқли қисмини бажаришга кўмаклашиш;

меҳнат соҳасидаги ваколатли давлат органининг мутахассиси томонидан аниқланган муаммоларни ҳал қилишда, шахсий режанинг бажарилишини мониторинг қилиш жараёнида кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сон [Конунига](#) мувофиқ одам савдосига қарши курашишга доир маълумотларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 22 ноябрь куни «Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ягона марказлаштирилган ахборот базасига маълумотларни онлайн режимида киритиш имкониятини ўз ичига олувчи одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини жорий этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ягона марказлаштирилган ахборот базасидаги маълумотларни потенциал хавфлардан, тасодифий ҳаракатлардан ва ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлиги дастурий таъминотини ишлаб чиқади.

Бунда, ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш;

ягона марказлаштирилган ахборот базасидан фойдаланувчиларни қайд этиб бориш;

ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида рухсатсиз модификациядан ҳимоялаш;

вируслардан ҳимоялаш;

дастурий таъминот конфигурациясида юзага келган хатоликлар ва камчиликларни аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ягона марказлаштирилган ахборот базасини юритишга маъбул орган ҳисобланади.

Қонунийлик, ахборотнинг холислиги, ишончлилиги ва таққосланувчанлиги, ахборотдан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган доирада фойдаланилиши ва ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ва бир хиллиги Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасида одам савдоси билан боғлик маълумотларни ҳисобга олишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Ягона марказлаштирилган ахборот базасидаги маълумотлар эркин фойдаланилиши чекланган ахборот ҳисобланиб, улардан фақат ваколатли органларнинг мансабдор

шахслари танишиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар ва бу маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистонда одам савдосини олдини олиш, унга қарши курашиш ва жабрланганларни ҳаётга қайта мослаштириш тизими иерархияси 3 муҳим босқични босиб ўтган бўлиб, 2-расмда ушбу жараён акс этган.

2-расм.



## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда Одам савдоси каби жирканч иллатга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва жабрланганларни ҳаётга қайта мослаштириш тизими мураккаб ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Ва бугунги кунда ушбу тизим замонавий технологиялар бойитилган, ўзининг барча ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий асосларига эга бўлган мукаммал тизимга айлантирилган. Одам савдосидан жабрланганлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида илмий ишлар ҳам амалга ошириб борилмоқда. Хусусан, ушбу жиноятдан аҳолининг қайси қатламлари кўпроқ жабрланмоқда, жабрланганларнинг гендер хусусиятлари, ёш ва маълумотига кўра ўзига хосликлари чукур ўрганиб борилмоқда. Бу аҳолимизнинг келгусида ушбу жиноятдан жабрланувчи бўлиб қолмасликлари учун яна нима ишлар қилиниши лозимлигини аниқлаш имконини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2008 йил, апрель. // <https://lex.uz/uz/docs/1339436>
- Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2008 йил 8 июль. //

<https://lex.uz/docs/1370056?ONDATE=08.07.2008%2000#3222622>

3. Baxtiyor o'g'li, A. J., & Akramjon o'g'li, S. O. (2024). Odam savdosiga qarshi kurash faoliyati va uning o'ziga xos xususiyatlari. *Ta'liming zamonaviy transformatsiyasi*, 8(5), 3-10.

4. Ulugbekovich, A. J. (2023). ODAM SAVDOSI-DAVR MUAMMOSI. *SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI*, 2(2), 66-68.

5. Dadaboyeva, J. A., & Mamadaliyeva, M. (2023). ODAM SAVDOSI YOXUD "ZAMONAVIY QULLIK" KA QARSHI KURASHISH MUAMMOLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 807-812.